



Мустамлакачиларнинг ваҳшийликлари



Эътиборингизга интернетдаги машхур сайтлардан биридан олинган ушбу мавзудаги маколани хавола этишга рухсат бергайсиз:

«Хар бир иш алохида кўриладиган бўлса, керакли таассурот колдирмайди. Аммо худди ўша ишларни жамлаб назар солинса, натижа бошқача бўлади. Интернет сайтларида европалик мустамлакачиларнинг босиб олган ерларидаги килмишларига багишланган бир неча маколага дуч кел-ганимда менда ҳам шунга ўхшаш хислар пайдо бўлди. Бу маколаларга тасодифан, бирин-кетин кўзим тушар ва хар бири олдингисининг таъсирини кучайтирарди.

Мана ўша тўпلام:

Янги Дунё хиндулари геноциди хакида

«Колумб 14 ёшдан ошган барча аҳолини испанларга хар уч ойда бир ангишвона олтин куми ёки (олтин йўк худудларда) 25 фунт пахта топширишга мажбур килди. Бу меъёрни бажарганларнинг бўйнига охириги тўловни топширган куни ёзиб қўйилган мис нишон илиб қўйиларди. Бу нишон уни такиб олган одамга уч ой яшаш ҳукукини берарди. Бундай нишони бўлмаган ёки нишондаги тўлов муддати ўтиб кетган одамни тутиб олишса, икки кўлининг кафтини кесиб олиб, бечоранинг бўйнига осиб қўйишар ва шу ахволда ўз кишлогига жўнатиб юборишарди. Колумб губернатор бўлган давр мобайнида факат Испаньола оролининг ўзида 10 мингга яқин хинду шу йўсинда ўлдирилган эди. Белгиланган меъёрни тўлашнинг эса амалда имкони йўк эди. Махаллий аҳоли озик-овкат

етиштиришни ҳам, бошка ишларни ҳам ташлаб, олтин кавлашга мажбур бўлар эди. Кахатчилик бошланди. Очлик-дан холдан тойган, иродаси синган бу бечоралар испанлар олиб келган касалликларга осонгина ўлжа бўлар эдилар». (Extraterrestrial altruism: evolution and ethics in the Cosmos. Douglas A Vakoch. Heidelberg: Springer, 2013)

Изох: Ушбу маълумотни ўқиғунимча Колумб менга беозор олим, инсонпарвар кашфиётчи ва бекиёс илм сохиби сифатида намоён бўлган эди. Унинг бунчалик одамхўрлигини, мол-дунё учун ўзининг «инсонпарвар» Европасидан Америкага бориб, олтин ва пахта илинжида бечора ерлик аҳолини киришини тасаввур ҳам кила олмас эдим.

«Вдоминикану» номли русча сайтда(<http://vdominikanu.com/istoria>) Колумбнинг ёлғизўзи эмас, кариндош-уруглари билан биргаликда ўша юрт аҳолисини киргинбарот қилгани хақидаги маълумотларни ўқиб, буларнинг барчаси бир гўр экан, деган хаёлга бордим. «Худони ўлдирдим» деб даъво қилганларнинг холи бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

«...Катта Антиллада яшаган ва кейинги бир неча ўн йил давомида батамом кириб ташланган таинос халқи «ўрта асрлар» зулмидан ҳам, насроний мутаассиблик дастидан ҳам ва хатто европалик босқинчиларнинг очқўзлиги туфайли ҳам қурбон бўлмаган. Бу учала сабабнинг ҳар бири янги иқтисодий рационализм томонидан ташкил қилинган учунгина геноцидга олиб келган. Испаньола, Куба, Ямайка ва бошка оролларнинг барча аҳолиси даромад келтириши керак бўлган хусусий мулк сифатида хатга олинган эди. Дунёдаги энг йирик ороллар орасида сочилиб кетган бу улкан аҳолининг Ўрта асрлар зулматидан эндиgina чиққан бир ховуч европаликлар томонидан синчиклаб рўйхатга олиниши ақлни лол қолдиради».

Буюк Британиянинг мустамлакачилик фаолияти ва бошка қилмишлари XVI-XVII асрларда Британия тўқимачилик саноати борасида Хиндистон билан мутлақо рақобатлаша олмас эди. Хинд газламаларининг (пахта, жун ва ипак матолар) сифати жуда юқори бўлса-да, Европа бозорларида улар Англия матоларидан арзон эди. Ўзининг сифатсизрок товарини рақобатдан сунъий равишда тўсиш мақсадида британиялик «фритредер»лар (эркин савдогарлар) 80 фоизлик ҳомийлик тўловини жорий қилдилар. Хобсбаумнинг (Eric John Ernest Hobsbawm, 1917-2012) айтишича, «Саноат инқилобининг бошланишига сабаб бўлган Англия тўқимачилик саноати «умуман, денгиз орти савдосининг йўлдош маҳсули сифатида пайдо бўлган бўлиб, хомашё тайёрлаб берар эди, холос. Вахоланки, хинд пахтаси ёки хом сурпи бозорларни эгаллаб борарди».

Англиялик тўқимачилар «бозорга ўзларининг кўпол матохлари билан кириб боришга мажбур эдилар», бироқ, табиийки, бу беҳуда уриниш эди. Муаммо жуда «либерал» усул билан - хинд хом сурпини олиб киришни тақиқлаб қўйиш йўли билан хал қилинди. Бу ҳам фойда бермагач, ушбу муаммони «савдо эркинлиги» қабилида хал қилишди: Хиндистон тўқимачилик саноатининг бош маркази бўлмиш Бенгалияни босиб олиб, уни вайрон қилишди, талашди ва маҳаллий тўқимачиларни атайлаб қасодга учратишди. Айтиш керакки, «либерализм ва эркин бозор қашшоқлари» рақобатчиларни жисмонан бартараф қилиш керак, деб топишди. Бунинг усули ҳам Ирландияда қўлланилган усул, яъни сунъий равишда уюштирилган қахатчилик бўлди. 1769 - 1770 йилларда англияликлар талон-тарож қилган Бенгалияда аҳолининг учдан бирини - 7 миллион кишини кириб ташлаган қахатчилик юз берди. Бошка ҳисоб-китобларга кўра, 10 миллион киши. 1780 - 1790 йилларда Бенгалиядаги фожиа яна такрорланди: бу сафар аҳолининг

деярли ярми - 10 миллион киши халок бўлди.

1812 йилги уруш хакида

Фаранг армияси хали Москвага етиб бормасдан, очик-ойдин талончилик бошланди. Белоруссия ва Литвада солдатлар бог ва полизларни пайхон килар, мол-холни ўлдирар, экинларни йўк килар эди. Вахоланки, бунга ҳеч қандай ҳарбий зарурат йўк эди, бу оддий кўркитиш эди, холос. Евгений Тарле(Евгений Викторович Тарле, 1874 - 1955.) ёзганидек, «Дехконлар боскинчининг ўтиб бораётган армияси томонидан, сон-саноксиз кафандўзлар ва карокчилик килиб юрган фаранг кочоклари томонидан шу қадар таланаётган эдики, душманга бўлган нафрат кун сайиб ортиб борар эди». Хакикий талон-тарож ва дахшат 1812 йилнинг 3 сентябрь куни, душман Москвага кириб келиб, шаҳарни талашга рас-мий буйруқ берилганидан кейин бошланди. Москванинг кўплаб монастирлари таланиб, шип-шийдам килинди. Солдатлар иконаларнинг қумуш копламаларини сидириб олар, жинчирок ва хочларни йигиштириб олишар эди. Улар атроф бемалол кўриниб туриши учун Новодевичье монастирининг ёнидаги Иоанн Мубошир черковини портлатиб юборишди. Боскинчилар Високопетровск монастирини қушхонага, жомеъ эҳромни эса гўшт дўконига айлантиришди. Монастир ёнидаги кабристоннинг усти лахта қон билан қопланди, жомеъдаги қандиллар ва меҳроб михларида эса хайвонларнинг гўшти ва ичак-чавоклари осилиб ётарди. Андрониев, Покров, Знаменск монастирларида фаранг солдатлари иконаларни қопиб, ўтин қилишди, авлиёларнинг суратларини эса нишон қилиб, ўк отиб, машк бажаришди».

Вьетнамдаги фаранг концлагери хакида

«Ичкаридаги тартиб ҳам бундан қам эмас. Бир текис турган устунчалар, уларга текис қилиб тортиб, тартиб билан қоқиб қўйилган тиканли сим, бир текис тушган барак-лар... Цивилизациялашган олмон миллати вакиллари зоти паст руслар учун ана шундай лагерлар қуришган эди. Бу ёввойилар тартиб нималигини билиб қўйишсин - ахир уларнинг қалласига мана шу билимни сингдириш учун концлагерга қамашган». «Бундан ташқари, овқатнинг ёмонлигидан шикоят қилган махбусларнинг оғзига қайнаб турган балик қайласи қуйишар, ўта қаттиқ норозилик билдирганларнинг эса оғзига машъала тикиб қуйдиришар эди. Шундан сўнг ҳам ейиш, ҳам ичиш имкониятидан маҳрум бўлган махбус очликдан ўлар эди. Шароитдан норози бўлганларни чўкқалатиб қўйиб, устидан бўш бочка қийғизишар, сўнг бочканинг устидан тўқмоқ билан бор қучлари билан савалашар, натижада махбуснинг қулоғи қаранг бўлиб қолар эди. Бунинг яна ҳам аёвсиз кўриниши - махбусни сув тўлдирилган бочкага солиб, устидан уришар ва шу йўл билан ички аъзоларини ишдан чиқаришар эди. Булар XX асрнинг ўрталарида юз бераётган воқеалар эди. Фаранг миллати номидан Гитлерга қанча урушда фаол иштирок этган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, АКШ номидан эса, табиийки, Ер қуррасида демократия-нинг бош қосбонлари саҳнага тушган эди. Ҳеч қанақанги халқаро комиссиялар, ҳеч қандай тергов, ҳеч қандай жабрланувчиларга қовон тўлаш деган нарсаси йўқ эди. Бунга олмонларнинг Улуг Ватан уруши давридаги вахшийликлари хакидаги сон-саноксиз гувоҳликларни қўшимча қилиш мумкин. Умумий манзарани кўз олдингизга келтирсангиз, тарихдан маълум бўлган мудҳиш, қонли воқеалар тасодиф эмас, меъёрдан четлаш эмас, балки қонуният эканлигини англаб

Муаллиф:

27.05.2024 20:51 -

етасиз. Мутлако бошка-бошка замонларда, бошка-бошка одамлар томонидан айнан бир дахшатли ходисанинг бундай аник такрорланиши кишини хайратга солади. Уларнинг нимаси бир хил? XVI асрдаги испан конкистадори билан XVII асрдаги англиялик ва XX асрдаги гитлерчи штурмовик - харбийлашган ашаддий миллатчи ташкилот аъзоларининг муштарак жихати нимада? Менимча, бунинг сабабини европаликларнинг маданий илдизлари ва ўзагидан кидириш лозим. Санаб ўтилган бу тарихий шахсларнинг яна бошка кандай умумий жихати бор? Демак, европача цивилизация ана шундай экан-да! Унинг маданий ўзаги ичида дўзахнинг бир парчаси яширинганлигини тан олишгатўгри келади. У кўзга кўринмайди, лекин муайян тарихий вазиятларда, шарт-шароитларда намоён бўлишга хар доим тайёр туради».

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллохнинг
"Олам ва одам, дин ва илм" китобидан